2016 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (13.071)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аьло Абдуллаев олган суратлар

Пойтахтимизнинг Миробод туманида 32 хонадондан иборат 2 кўп қаватли уй бунёд этилди. Ушбу замонавий уйлар илм-фан, маданият, спорт соҳаларида эришган улкан ютуқлари билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, Ўзбекистонимиз шарафини жаҳон миқёсида улуғлаётган иқтидорли ёшларга берилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

Янги уйларни фойдаланишга топшириш маросимида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, отахон ва онахонлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамиятимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган, изланувчан, ташаббускор ёш оилалар учун янги уй-жойлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

2015 йилда пойтахтимизнинг Сергели, Учтепа ва Бектемир туманларида намунавий лойиҳа асосида бешта "Камолот" уйи бунёд этилиб, 160 ёш оилага топширилди.

Янги йилнинг илк кунларида дзюдо бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби Ҳамид Отажонов Миробод тумани Чинор маҳалласида барпо этилган янги уйлардан бирининг соҳибига айланди.

– Халқаро мусобақаларда хорижлик тенгдошларимнинг мамлакатимизда биз, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга ҳавас қилганига кўп гувоҳ бўлганман, – дейди ЎзА мухбирига Ҳ.Отажонов. – Ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши йўлида амалга оширилаётган бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

Б.БОЗОРОВ

САДОҚАТ ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ

12 январь – "Ватанга қасамёд" монументи очилган кун

Мустақиллик йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада жанговарлиги, тактик маҳорати жиҳатидан ҳеч кимдан кам бўлмаган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди.

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамёд" монументи эл-юртимизнинг Ватан ҳимоячиларига чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир. Бу гўзал мажмуада аскар давлатимиз байроғини кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун доимо тайёрлигини билдириб, тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли – мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган фарзандини дуо қилиб, унга оқ йўл тиламоқда.

Биз орият ва ғурурни ҳамма нарсадан устун қўядиган, лафзи ҳалолликни шараф деб биладиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, фарзандларимиз – Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, Президентига, ота-онасига бераётган ваъдаси, лафзидир.

"Ватанга қасамёд" монументи пойидан гулчамбарлар аримайди. Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонларини кўриш мумкин.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2012 йилда "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Комила Каромова. – Бу мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир. Унга кўра, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат олиб боради: ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет давлатлар ҳарбий базаларини жойлаштирмайди, мамлакатимиз ҳарбий хизматчиларининг чет эллардаги ҳарбий операцияларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

– "Ватанга қасамёд" монументи пойига гул қўяр эканмиз, бизда ҳам ҳайкалда тасвирланган жасур аскардай юрт ҳимоячиси бўлиш истаги пайдо бўлди, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 277-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шоҳрух Маҳмудов. – Келгусида жонажон Ватанимиз корига ярайдиган, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлишга ваъда берамиз.

Президентимиз Ислом Каримов "Ватанга қасамёд" монументи очилишига бағишланган маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, "...бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир".

"Ватанга қасамёд" монументи ёшларимизни она юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, уни ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас ва шарафли бурчидир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА шарҳловчиси

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

АҲИЛ ВА АДОЛАТЛИ МАМЛАКАТДА ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида ЎзА мухбири мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик муҳитининг аҳамияти, бунда миллий армиямиз ҳамда жамоатчилигимизнинг тутган ўрни ҳақида чет эллик экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Танг ЙИНГКСИА, Нанкай университетининг инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича маркази директори ўринбосари (Хитой):

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган. Жамиятнинг барча жабҳаларида адолат қарор топган. Мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталикнинг асосий омили шу, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юрт тинчлигига катта эътибор қаратилаётганига ёрқин далилдир. Мамлакатингизда барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армия шаклланган. Бу Ўзбекистон мустақиллиги, тинчлиги, халқингиз фаровонлигининг мустаҳкам асосларидан биридир. Бундай аҳил ва адолатли жамиятга, ватанпарвар ҳимоячиларга эга мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлади.

Ли Санг КЁ, "Dali Trade" компанияси президенти (Жанубий Корея):

– Бугун дунёда рўй бераётган нотинчликлар жаҳон иқтисодиётига, халқаро бизнесга ҳам жиддий путур етказмоқда. Ишбилармонлар тинчлик-осойишталик кафолатланган, қулай бизнес муҳити яратилган мамлакатлар билан ҳамкорликка интилади. Ўзбекистон ана шундай ишончли мамлакат. Бу ерда муваффақиятли бизнес юритиш учун барча омиллар бор. Биз ҳам Ўзбекистоннинг истиқболли бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш ниятидамиз.

Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя этиш тарафдори экани кўпчилик учун намунадир. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётир.

Жерардо САЛЬГАДО, ўқитувчи (Испания):

– Ҳар қандай соҳанинг ривожи, жумладан, илм-фан тараққиётининг ҳам асосий омили тинчлик ва барқарорликдир. Тинч-осойишта юртда мактаблар, университетлар, илм-фан марказлари фаолият юритади, таълим-тарбия равнақ топади. Азалдан илмий тараққиёти билан дунёга донғи кетган Ўзбекистон бугун ҳам изчил равнақ топаётгани, ёш олимларингиз оламшумул ютуқларни қўлга киритаётгани буни кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ёшлари миллий армия хизматига танлов асосида қабул қилинишини эшитиб, жуда ҳайратландим ва ҳавасим келди. Бу Қуролли Кучларингиз сафида хизмат қилишнинг нуфузи юқори эканидан далолатдир.

Элиас ВИММЕР, меъмор (Австрия):

– Ўзбекистонга келишим билан бу ердаги обод ва файзли ҳаёт, одамлар юзида акс этган бахтиёрлик ҳисси менга ҳам кўтаринкилик бахш этди. Шаҳарлар обод, бозорлар тўкин-сочин. Бунёдкорлик, ободончилик авжида. Тошкентнинг осуда хиёбонларида сайр қилиб, мусаффо ҳавосидан нафас олиб тўймаяпман.

Мамлакатингизда Ватанни ҳимоя қилиш фақат ҳарбийларнинг эмас, ҳамманинг бурчи, деган ажойиб тамойил бор экан. Бу халқингизнинг бирдамлиги, тинчликсеварлиги, ўз Ватанини чин дилдан яхши кўришидан далолатдир. Тинчликни қадрлаб, мамлакатингизни асраб-авайлаб яшаётган барча Ўзбекистон халқини байрам билан табриклайман.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида Андижон ва Бухоро вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" деб номланган видеомулоқот бўлиб ўтди.

● Самарқанд гарнизони офицерлар уйида Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари иштирокида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида учрашув ўтказилди. Тадбирда таниқли шоир ва санъаткорлар томонидан Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи шеърлар ўқилди, қўшиқлар ижро этилди.

● Булунғур туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида маънавий тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини янада ошириш ва уларни ёт иллатлардан асрашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маънавият тарғиботчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Тошкент вилояти Зангиота туманида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзусида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда "Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимизнинг буюк келажаги гаровидир", "Соғлом фарзандни вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг орзуси", "Ўзбекистон оналари бахтли, болалари соғлом мамлакат" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан бир гуруҳ ёш болали оналарга хайрия совғалари топширилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Шимолий Американинг Лос-Анжелес шаҳрида телевизион ва кинематографияга оид 25 та номинация бўйича 73-бор "Олтин глобус" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Канадада "49 дан 6" лотереясида рекорд даражадаги ютуқ қайд этилди. Яъни, ўз исмини ошкор этмаган иштирокчи 7 миллион Канада доллари миқдоридаги ютуқнинг соҳиби бўлди.

● Кеча Камбоджанинг Кампонгспи музофотидаги Конг Писей округида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Чунончи, юк машиналарининг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, элликка яқин одам турли даражадаги тан жароҳати олди.

● Кеча Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтган йилги мавсум натижаларига кўра жаҳондаги энг кучли футболчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кутилганидек, жаҳоннинг энг зўр ўйинчиси мақомига бешинчи бор Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси сазовор бўлди ва бош мукофотни қўлга киритди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *"Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши"* деб аталган бешинчи бўлимининг 26-боби *"Мудофаа ва хавфсизлик"* деб номланади. У икки моддадан иборат.

125-моддада шундай деб ёзилган:

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади".

126-модда эса қуйидагича ифодаланган:

"Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга".

Шундан ҳам маълумки, тинчликни таъминлаш ва осойишталикка эришиш учун бутун жамият масъул бўлиши керак. Бинобарин, Конституциямизнинг *"Фуқароларнинг бурчлари"* деб номланган 11-бобидаги 52-моддасида қатъий қилиб белгилаб қўйилганки: *"Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар".*

Асосий Қонунимизнинг бу моддаларидаги қатъиятлар, аввало, халқимизнинг асл манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидан келиб чиқиб белгиланган.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарларида битилганидек, ***"Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз".***

2000 йили нашр этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи миллий мафкурамизнинг концепцияси ҳисобланади. Унда, жумладан, жамиятимиз мафкурасининг бош ғояси ҳам ифодаланган. Бу – *"Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш"*. Ватан озод ва обод бўлиши учун ҳам, ҳаёт эркин ва фаровон бўлиши учун ҳам, аввало, тинчлик ва осойишталик керак. Бош ғояга етиш учун етти асосий ғояни ҳам амалга ошириш лозим. Шу етти ғоянинг биринчиси – айнан *"Юрт тинчлиги"*.

"Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида бу ҳақда шундай сатрларни ўқиймиз: ***"Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади".***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги қандай бошланганига эътибор қилсак, ундаги биринчи тилак ҳам айнан тинчлик-омонлик экани маълум бўлади:

"Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги – 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан".

Азалий қадриятларимизга биноан ўзаро сўрашганимизда: *"Ассалому алайкум"*, – деймиз. Бу: *"Сизга тинчлик тилайман"*, – дегани. Жавобига эса: *"Ваалайкум ассалом"*, – дейилади. Бу: *"Сизга ҳам тинчлик тилайман"*, – деган маънони ифодалайди. Чунки мўътабар луғатларда *"салом"* сўзи, аввало, *"омонлик"*, *"осойишталик"*, *"осудалик"*, деган маъноларни англатиши баён этилган.

Тинчлик ва осойишталик ғояси кўпгина ўзбек халқ мақолларида ҳам илгари сурилган. Халқимиз донолик билан: *"Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилар"*, *"Бир кунлик уруш қирқ кунлик ризқни олар"*, – дейди. Ёки: *"Осойишталик – энг яхши малҳам"* мақоли мағзини чақиб кўрайлик.

Биргина *"тинч"* сўзи билан бошланадиган мақолнинг ўзи – қанча: *"Тинч оқар сувнинг таги теран бўлар"*, *"Тинч уйда кулги топилар, Кулги топилса, бойлик топилар"*, *"Тинч элнинг боғи гуллар"*, *"Тинчлик – бахт"*, *"Тинчлик билан эл кўкарар, Ёмғир билан – ер"*, *"Тинчлик бўлса, олам – гулистон"*, *"Тинчлик бўлса, юз миллат тил топади"*, *"Тинчлик урушни енгар"*, *"Тинчлик – фаровонлик йўлдоши"*, *"Тинчлик – шодлик"*...

Тинчлик ва осойишталикни англаш, унинг қадрига етиш учун мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг айрим ҳикматлари мағзини чақишнинг ўзи ҳам етарли бўлса, ажаб эмас. 1991 йилнинг сентябрь ойида очилган Ўзбекистон миллий боғидаги Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали тоқига унинг айнан қайси байти бир неча тилда ёзилганига диққат қилганмисиз? Мана, Ҳазрат Навоий жаҳон аҳлига нима деяпти:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш!

Буюк мутафаккир олам аҳлига мурожаат қилиб айтадики: ***"Одамлар ўртасида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун улар душманлик йўлидан воз кечиши даркор, чунки душманлик иш эмас, бунинг ўрнига улар бир-бирига ёр, яъни дўст тутиниши лозим, чунки дўстликкина ҳақиқий иш ҳисобланади!"***

Одамларнинг бир-бирига дўстлигидан ҳамжиҳатлик келиб чиқади. Ҳамжиҳатлик бор жойда энг қийин иш ҳам осон амалга ошади:

Жаҳон олмоқ осон, сарукор эмас,
Вале иттифоқ ўлса, душвор эмас,

яъни: *"Жаҳон олиш осон амалга оширса бўладиган иш эмас, лекин агар ўзаро иттифоқ бўлса, қийин эмас"*, – дейди яна буюк Алишер Навоий. Жамиятда аввало, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш керак.

Шу таҳлиллардан ҳам аён бўлиб турибдики, халқимиз – тинчликсевар халқ. Тинч-тотув яшаш ғояси унинг қонқонига сингиб кетган.

Истиқлол йилларида тинчликпарварлик давлат сиёсатининг бош йўналишига айланди. **Эришилаётган улкан ютуқларимиз замирида ҳам айнан тинчлик ва осойишталик ётибди. Давлат ва халқ ҳар қандай муаммони тинчлик ва осойишталик, сабр-бардош, шукр, қаноат ва бағрикенглик билан ҳал этиб келяпти.**

Бугун буни бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" деб номланган маърузасида ҳаммамизни хушнуд этадиган бир маълумотни келтирди. Бу Америка Қўшма Штатларида фаолият олиб бораётган, катта обрў-эътиборга эга Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йили ўтказган тадқиқот хулосалари эди. Ушбу марказ мавзу юзасидан жаҳон миқёсида 141 мамлакатда сўров ўтказган. Бунда катта ёшдаги жами 142 минг киши иштирок этган. Сўровномада қуйидаги учта савол ўртага ташланган:

1-савол: *"Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полициясига ишонасизми?"*

2-савол: *"Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?"*

3-савол: *"Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва молмулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?"*

Муҳтарам Юртбошимиз ана шу ижтимоий фикр марказининг хулосаларига тўхталиб: ***"Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим",*** – деганида залда гулдурос қарсаклар янгради...

Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрамолди тадбирлари бошланиб кетган. Ҳамма жойда бўлгани каби, пойтахтимизнинг маҳалла фуқаролари йиғинлари, корхона ва ташкилотлари, ҳарбий қисмлари, таълим муассасаларида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, олимлар, қалам аҳллари, санъат арбоблари иштирокида турли учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий кечалар ўтказиляпти.

Уларда тинчлик ва осойишталик ҳаётимизнинг гарови, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишдек эзгу мақсадларига эришишнинг асосий шарти ҳисобланиши, Ватан тақдири ишончли қўлларда экани, миллий армиямизнинг куч-қудрати хусусида сўз боряпти.

Ҳар бир фуқаро тинчликнинг қадрига етиши, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз керак. Ахир, ҳаммамиз дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб-билиб турибмиз-ку. Бу ҳар биримизни шундай таҳликали замонда огоҳликка даъват этади. Чунки тинчлик ва осойишталикка эришиш – бутун жамиятнинг иши.

Шу азиз Ватан – барчамизники. Унинг бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам – мамлакат фуқароларининг аҳиллиги, жамиятда тинчлик ва осойишталик барқарорлигига эришишга бевосита боғлиқ.

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини кенг байрам қилар эканмиз, юртимиз тинч ва осойишта бўлиши учун ҳар биримиз масъул эканимизни яна бир карра дил-дилдан ҳис этамиз.

Буни унутишга эса ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Олим МАҲМУДОВ

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида юксак талабларга жавоб берадиган, юртимиз ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, юртимиз мудофаа тизимидаги ҳар бир бўғин замонавий асосда шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Қоровул қўшинлари бош бошқармасида ҳам замон талабларига жавоб берадиган армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтилди.

2015 йил Қоровул қўшинлари бош бошқармаси учун ҳар жиҳатдан самарли бўлди, дейишга асос бор. Кейинги пайтда қўшинлар таркибини замонавий ҳарбий техника, қурол-яроғ, махсус алоқа воситалари ва компьютер билан таъминлаш, ўз касбини профессионал даражада эгаллаган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган ҳарбий кадрларни тайёрлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Сир эмас, йилдан йилга ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи, обрўси ортиб бораяпти. Эгнига ҳарбий либос кийиб, эл-юрт хизматида бўлишни ҳар бир йигит-қиз орзу қилади. Бир сўз билан айтганда ҳарбийлик шарафли касбга айланиб улгурди.

Маълумки, бундан буён миллий армиямиз таркибида асосан шартнома асосида хизмат қилувчилар бўлишини назарда тутсак, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ номзодларни танлаш масаласининг нақадар муҳимлигини пайқаш қийин эмас. Чунки, келгусида миллий армиянинг сифат таркиби, келажаги мана шу ҳарбий хизматчиларга боғлиқ.

Куни кеча ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасида "14 январь – Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Қоровул қўшинлари тизимида халқимиз осойишталиги ва тинчлигини таъминлашда намунали хизмат қилаётган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, ҳар йили "Энг илғор касб мутахассиси" кўрик-танловининг ўтказилиб борилиши ижобий самара бермоқда.

Тадбирга давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳарбийлар, Яшнобод туманидаги ихтисослашган 161 ва 153-мактаб ўқувчилари ва ОАВ ходимлари таклиф этилди.

Дастлаб, ҳарбий қисм хизматчилари ўзларининг жанговар тайёргарлигини, маҳоратларини намойиш этишди, шундан сўнг 2015 йилда ҳарбий хизмат жараёнида муваффақиятларга эришиб, ҳукуматимизнинг орден ва медалларини олган ҳарбийлар аскар ва ўқувчиларга эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди.

— 2015 йил 25 октябрь — касб байрамимиз арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ "Содиқ хизматлари учун" медалига сазовор бўлдим, — дейди подполковник Зайниддин Сафаров, — мактабда ўқиб юрган йилларимданоқ ҳарбий хизматга қизиқар эдим, шу боис ИИВ ҳарбий қўшинларига хизматга кирдим, ҳозир батальон командири сифатида иш олиб бораяпман. Юрт осойишталигини таъминлашда хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

— ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда муддатли хизматни ўтамоқдаман, — дейди оддий аскар Достон Раҳмонов, — бу ерда хизмат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган. Командирларимизнинг жанговар тайёргарлик бўйича бераётган сабоқлари, тинимсиз машқлар натижасида кўплаб муваффақиятларга эришмоқдаман.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ИИВ га қарашли Қоровул қўшинлари бош бошқармасида аскарлар яшаш ва хизмат шароитлари, янгидан таъмирдан чиққан ва экспонатлар билан бойитилган музей фаолияти билан танишдилар.

З.ШАРИФЖОНОВ

ВАТАНИМИЗ ТАЯНЧИ, ФАХРУ ИФТИХОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Байрам тадбири иштирокчилари қўлларини кўксига қўйиб, Ватанимизнинг бош қўшиғига жўр бўлади. Мониторда истиқлол манзаралари акс этади. Уларга боқиб юраклар тўлқинланади, ғурур-ифтихорга тўлади.

Елқин Шамсиддинов олган сурат

Саҳна мозий нурига шўнғийди. Ғойибдан Амир Темурнинг виқорли овози эшитилади. Буюк Соҳибқирон авлодларига Ватанни янада обод этишни, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашни васият қилади.

Ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида саҳнага алпқелбат аскарлар кириб келади. Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга тантанали қасамёд қилади. Уларнинг ўктам овозига, шаҳдам қадам ташлашига, бўй-бастига боққан ёшлар кўзида ҳайрат ва ҳавас порлайди...

"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ташкил этилган ёшлар фестивали акцияси ана шундай тантанавор руҳда бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги олижаноб ишларга рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ёшлар фестивали ана шу эзгу мақсад йўлидаги амалий тадбирлардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев, маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари – "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида ҳарбийлар учун барча зарур шароит яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳарбий соҳага меҳр қўйган, офицерликни қалб амри ва юрак даъвати билан танлаган йигитлар Қуролли Кучларимиз сафларида йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Улғаяётган ёш авлод Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган мард ва жасур акаларидек бўлишга интилмоқда.

– Мана шу муқаддас замин, мусаффо осмон ва ёруғ тонглар учун хизмат қилиш биз учун юксак шараф, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исломжон Холдоров. – Зеро, инсон бахту иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир.

Тадбирда ҳарбийлар томонидан турли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Уларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаёт, унинг аҳамияти, аскар ва офицерларимизнинг туну кун Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этаётгани акс этди. Қўшиқларда мустақилликнинг моҳияти, Ватан ягоналиги, уни ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш шарафли бурч экани тараннум этилди.

Тадбирда "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" кўрик-танлови ғолиблари тантанали тақдирланди.

– Фестивалдан катта таассуротлар билан қайтмоқдаман, – дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Шаҳобиддин Абдуллаев. – Ватанимизнинг мард ва жасур посбонларига ҳавасим янада ортди. Келажакда мен ҳам аскар бўлишни дилимга тугдим.

...Келажагимиз давомчилари бўлган минглаб ёшлар қалбида бўлғуси Ватан ҳимоячиси эканидан ғурурланиш туйғуси янада юксалди. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси кучайди. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртда инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз истеъдоди ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Ватани тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, байрамлар ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишининг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 24 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Яккасарой туманида маънавий-маърифий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, "Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги" доирасида жойларда турли-туман қизиқарли тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

ЮРТИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Жумладан, туманда жойлашган "Дамариқ", Ҳамид Сулаймон, Абдулла Қаҳҳор, Бобур номли маҳаллаларда "Эл-юрт тинчлиги — ишончли қўлларда" шиори остида туркум маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, маҳалла фуқаролари, айниқса ёшларимиз онги ва шуурида бугунги Қуролли Кучларимиздаги туб ўзгариш, янгиланишлар жараёни босқичма-босқич олиб борилаётганлиги катта қизиқиш, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Чунки Ватанимиз Қуролли Кучларида ўз бурчини ўтаб қайтган ўғлонлар учун олий ўқув юртларига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар ҳам уларнинг келгуси ҳаётларида катта мадад вазифасини ўтайди.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳар бир тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда ҳарбий соҳадаги анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази
Яккасарой туман бўлими раҳбари

Реклама ўрнида

БАРҚАРОРЛИК БЕЛГИСИ

Ўзбекистоннинг биринчи тижорат банки сифатида иш бошлаган "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки ўтган давр мобайнида соҳага оид кўп ислоҳотларни амалга ошириб, аҳолининг, молия тизимининг ишончли таянчига айланди. 1990 йил ноябрь ойида иш бошлаган мазкур банк йилдан йилга ривожланаётган молиявий муассаса бўлиб, банкнинг барқарорлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан эътироф этилиб келинмоқда.

Ислом Исмоилов олган суратлар

Айни пайтда ушбу банкнинг ҳудудларда 17 та филиали, 27 мини банки, 140 дан зиёд бўлинмалари фаолият олиб бормоқда.

"Туронбанк" республикамизда биринчилар қаторида "Золотая Корона", "CONTACT", "Western Union" ва "Money Gram" пул ўтказмалари тизимини тадбиқ этди.

"The Banker" молиявий журналининг қайд этишича, 2013 йил якунлари бўйича "Туронбанк" Ўзбекистон Республикасида "Йилнинг энг яхши банки" деб тан олинди. Банкнинг халқаро доирада алоҳида ўрни борлиги унинг доимий такомиллашаётганлиги, мавқеининг тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

"Туронбанк" томонидан мижозларга янада йириқроқ ҳажмлардаги банк хизматларини кўрсатишни таъминлай оладиган янги ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган. Янги стратегия рентабелликнинг барқарор даражасига эришиш, шунингдек, ўз фаолияти самарадорлигини оширишни кўзда тутади. Банк томонидан ўз ресурсларини даромад келтирувчи соҳаларга йўналтириш, иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш, мижозлар базасини кўпайтириш ва диверсификациялаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва банк хизматлари сифатини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Банк иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида кичик бизнесни ривожлантириш, бундан ташқари чакана хизматлар, ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш учун қурилиш ва техника сотиб олиш ишларига ҳам кредит хизматларининг кенг спектрини тақдим этиб келмоқда, шунингдек, халқаро молиявий тузилмалар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида турли инвестиция лойиҳалари ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар ажратилмоқда, бу ўз навбатида минглаб қўшимча иш ўринлари яратилаётгани, саноат тармоқларида рақобат даражаси кўтарилаётгани ва пировардида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Албатта, бу муваффақиятларда банк тизими ислоҳотларининг бошида турган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида ўрни бор.

Келинг, мижозларнинг "Туронбанк" амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлик самара бераётгани ҳақидаги фикрлари билан танишайлик.

ОИЛАВИЙ КОРХОНАМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРЯПМИЗ

Жасур Турдиев,
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Temir Tom Servis" оилавий корхонаси раҳбари:

— Аввало, барча юртдошларимизни 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" билан чин юракдан табриклайман. Бизнинг юртимизга байрамлар ярашади. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани учун жамиятимиз равнақ топаяпти, одамларимиз аҳил яшаяпти. Ҳар йили қанчадан-қанча ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда. Минглаб хусусий, оилавий корхоналар вужудга келмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликнинг ҳар томонлама ривожланишида тижорат банкларининг ўрни катта бўлаётир.

Ўзбекистон Республикасининг оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган Қонуни асосида 2014 йилда корхонамизни ташкил қилганмиз. Асосий фаолиятимиз аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш учун профнастил, темир листлар ишлаб чиқариш бўлиб, бугунги кунда ушбу маҳсулотларга талаб юқори. Бу эҳтиёжни қондириш учун иш фаолиятимизни ривожлантириш керак эди. Шу боис "Туронбанк"нинг Чилонзор филиалига бизга керакли асбоб-ускуналарни сотиб олишга 100 млн. сўм миқдорида кредит олишни сўраб мурожаат этдик. Банк ходимлари аризамизни ижобий ҳал этиб, қисқа муддат ичида керакли маблағни ажратиб беришди. Ишлаб чиқариш ускуналари олингандан кейин оилавий корхонамиз ишлари жадаллашиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, шунинг баробарида 3 та янги иш ўрни яратдик.

ГЎШТ ВА СУТ МЎЛ БЎЛАДИ

Дилмурод Султонов,
"O`tkir-Sulton Fayzli Bog`i" фермер хўжалиги раҳбари:

— Муҳтарам Президентимизнинг "фермернинг орқасида мен турибман" деган сўзлари барча фермерлар қатори менда ҳам хўжалигимни янада ривожлантиришга катта ишонч уйғотди, ғайрат-шижоат бағишлади. Яхши ниятлар билан аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш учун наслли мол сотиб олдик.

Фермер хўжалигимиз 2012 йилда ташкил этилган. Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун "Туронбанк" Чилонзор филиалига 16 дона йирик шохли қорамол ҳамда озуқа олиш мақсадида 130 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш бўйича мурожаат қилдик. Банк ходимлари қисқа муддат ичида бизга имтиёзли кредит ажратиб берди. Бугунги кунда фермер хўжалигимизда янада кўпроқ гўшт ва сут ишлаб чиқаришга эришаяпмиз. Яқинда битта коллеж битирувчисини ишга олдик.

Бизга сидқидилдан хизмат қилаётган "Туронбанк"нинг Чилонзор филиали ходимларидан мамнунмиз.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА

Абубакр Гафуров,
"Биродар" шўъба корхонаси раҳбари:

— Республикамизнинг инвестиция сиёсатининг асосий мақсади давлат иқтисодиётини кўтариш ва тармоқни янги технологиялар билан жиҳозлашдан иборат. Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш тизими жорий этилган.

Натижада ўтган йиллар билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпайган. Мазкур соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони ортди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг асосий ушбу соҳа улушига тўғри келади.

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари унинг таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқилса, энг юқори кўрсаткич тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига тўғри келади.

"Биродар" ШК Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

Корхонамиз бугунги кунда қурилиш учун зарур бўлган ғишт ва плита ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида "Туронбанк"нинг Самарқанд филиалидан 150 млн. сўм миқдорида кредит олдик. Банк томонидан қисқа муддатда кредит ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилди. Банк кредити ҳисобидан ишлаб чиқариш қуввати ошди, корхонада ишлайдиган ишчи-хизматчилар сони кўпайди. Бетон цехида бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

КЕЧАГИ БИТИРУВЧИ БУГУН ТАДБИРКОР

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида фаолият кўрсатиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор Маҳбуба Ҳомидова Ҳусниддин қизи ўтган йили Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битириш арафасида ўз бизнесини бошлашни мақсад қилиб қўйди. Дастлаб, у Китоб тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтди. Китоб шаҳрида жойлашган мўъжазгина савдо дўконига озиқ-овқат маҳсулотларини шартнома асосида олиб келиб сота бошлади. Тадбиркор фаолиятини ривожлантириш мақсадида "Туронбанк"нинг Шаҳрисабз филиалидан 15 млн. сўм кредит олиш учун ўз бизнес лойиҳасини тузиб, банкка тақдим этди.

Ҳозирги кунда якка тартибдаги тадбиркор М.Ҳомидова банкдан 15 млн. сўм кредит маблағи олиб, ушбу маблағдан самарали фойдаланиб келмоқда.

Исломжон Шарифбоев,
якка тартибдаги тадбиркор:

— Президентимизнинг ёшларга яратиб бераётган имкониятларидан фойдаланган ҳолда мен ҳам тадбиркорлик қилишга аҳд қилдим.

2015 йили Наманган юридик коллежини аъло баҳолар билан тамомладим. Коллежда олган билим ва кўникмаларимдан фойдаланган ҳолда Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан гувоҳнома олдим. Ҳозирда Наманган шаҳар, 1-Олмазор кўчасида жойлашган дўконда чакана савдо билан шуғулланаяпман. Устозларимнинг ва банк ходимларининг маслаҳатлари билан айланма маблағимни тўлдириш ва янада ривожлантириш мақсадида банкдан кредит олишга қарор қилдим. "Туронбанк"нинг Наманган филиалидан 30 млн. сўм кредит олиш учун ҳужжатларни топширдим, банк ходимлари қисқа фурсатда менга кредит расмийлаштириб беришди. Ҳозирда ажратилган кредит маблағи ҳисобига ўз фаолиятимни ривожлантираяпман.

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИГА КЕНГ ЙЎЛ

Нилуфар Муҳтарова,
якка тартибдаги тадбиркор:

— Мен 2014 йил март ойида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятимни бошлаганман, айни пайтда савдо фаолияти билан шуғулланаман.

2015 йил ноябрь ойида айланма маблағимни тўлдириш мақсадида "Туронбанк"нинг Бухоро филиалидан 20 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилдим. Банк филиали ходимлари қисқа муддатда мурожаатимни кўриб чиқиб, бир йил муддатга, 3 ой имтиёзли давр билан кредит ажратди. Бунинг натижасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш самарадорлиги ошди. Мен "Туронбанк"нинг Бухоро филиали хизматидан мамнунман.

ИШОНЧЛИ КОРХОНАГА АВТОМАШИНА

"Хумор Дилбар" кўп тармоқли хусусий фирмаси ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган. Фирма фаолиятининг ривожи учун банкнинг Наманган филиали томонидан кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизматлар муҳим омил бўлиб келмоқда. Жумладан, банк томонидан фирманинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг назорати, тўловларни ўз вақтида тез ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида "Банк – клиент" дастури ўрнатиб берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, фирманинг автомашинага эҳтиёжи пайдо бўлганида банкка автомашина сотиб олиш учун кредит маблағи ажратилишини сўраб 2014 йил ноябрь ойида лойиҳа режаси ва ариза билан мурожаат қилинди. Малакали мутахассислар томонидан тақдим қилинган лойиҳа ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди ва 33 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Натижада фирманинг автомашинага бўлган эҳтиёжи қондирилди. Шунингдек, фирма фаолиятида айланма маблағ етишмаслиги сабабли 2015 йил ноябрь ойида 100 млн. сўм кредит олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, сўралган кредит маблағи ажратиб берилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУҲИМ ТАРМОҚ

Савриддин Умаров,
"Умар Шариф" фермер хўжалиги раҳбари:

— Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида техника базасини кенгайтириш, туманимиз фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш мақсадида умумий қиймати 290 млн. сўм бўлган JSB 3 DX SUPER русумли экскаватор погрузчик сотиб олиш учун 174 млн. сўм маблағни 3 йил муддатга кредит сифатида олишни таклиф қилдим. Мурожаатимиз қисқа муддатда "Туронбанк"нинг Бухоро филиали ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, кредит расмийлаштириб берилди.

Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида фермер хўжалигимизда 3 та янги иш ўринлари яратилди.

Бизга молиявий кўмак бериб келаётган "Туронбанк"нинг Бухоро филиалидан мамнунмиз.

ИШИМ ЮРИШИБ КЕТДИ

Лола Нажимова,
"Алп техно сервис" хусусий корхонаси раҳбари:

— Фаолият турим оргтехника товарларини улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланиш ва маиший хизматлар кўрсатишдан иборат.

Имтиёзли кредит олишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадик, банк ходимларига керакли ҳужжатлар тўпламини топширганимиздан сўнг қисқа вақт ичида муаммоимизни ҳал этиб беришди.

Ўзим "Туронбанк"нинг Қарши филиали мижозиман. Фаолиятимни барқарор ривожлантириш мақсадида оргтехника жиҳозлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга 300 млн. сўм миқдорида кредит олдим. Ҳозирги кунда ўз айланма маблағларимни ўтган йилга нисбатан икки бараваргача оширишга эришдим.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Алишер Сайфиев,
"Насаф новвот" оилавий корхона бошлиғи:

— Асосан миллий ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Фаолиятимизни ривожлантириш учун банк хизматларидан доимий равишда фойдаланамиз. Ўтган йили ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида "Туронбанк"нинг Қарши филиалидан 85 млн. сўм миқдорида кредит олдим ва бунинг ҳисобига 2 та яги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилган ширинликлар, новвот ва қандолат маҳсулотларини шартнома асосида харидорларга етказиб бераяпман.

КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Асқар Назиров,
"Texmash tashkent" МЧЖ раҳбари:

— Бугунги тараққиётимизни тижорат банклари хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Асосий фаолият туримиз полиэтилентрефталта преформаларини ишлаб чиқариш бўлиб, жамиятимиз ўз фаолиятини барқарор кенгайтириш мақсадида банк кредитларидан фойдаланган ҳолда музлаткич ускуналарини сотиб олишни режалаштирган эдик.

Яқинда бу мақсадга эришдик. "Туронбанк" Марказий амалиёт бошқармасидан 215,5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олиб, музлаткич ускуналарини сотиб олдик, уларни ўзлаштиргач, ушбу соҳада фаолиятни бошлаб юборамиз. Шу боис бизга ўз кўмагини аямаётган "Туронбанк"нинг аҳил жамоасига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатиб келаётган "SIMAKS – PARS" масъулияти чекланган жамияти 2005 йилда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан поролон маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтган.

Кичик корхона "Туронбанк" Марказий амалиёт бошқармасидан 444 млн. сўм кредит олиб, Хитойнинг "Dongguan hengsheng Import Export" Co.LTD компанияси билан тузилган шартномага асосан поролон ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди.

ТОҒЛИ ҲУДУДДА ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

Шавкат Равшанов,
"TITAN RENESANS" МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз 2015 йилда ташкил этилди, мақсадимиз Шаҳрисабз шаҳридан 15 км. узоқликдаги тоғли Чоршанбе қўрғонида диагностика маркази ташкил этиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. "Туронбанк"нинг Шаҳрисабз филиалидан ажратилган 120 млн. сўм кредитга замонавий тиббиёт ускуналари сотиб олмоқдамиз.

Диагностика маркази февраль ойида тўлиқ ишга тушади. 2016 йил "Соғлом она ва бола йили"да бу тоғли ҳудудда яшовчи аҳолига яна бир қулайлик бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, "Туронбанк" жамоаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантриш, молия-банк соҳасида барча турдаги хизматларни кўрсатиш орқали ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган банклардан бири сифатида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда.

Ш. ЗОКИРОВ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар:

Туман ҳудудидаги баъзи жойларга янги номлар берилиши ва номлар ўзгартирилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан 1 ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар кўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов

2015 йил 14 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 16 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бектемир туман СИБ томонидан, 2015 йил 10 ноябрь кунги 10-1504/19410-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 378 кв.м., фойдали майдони 309,33 кв.м. бўлган, 0001-литердаги икки қаватли бинонинг бир қисми қўйилмоқда. Бошланғич нархи 320 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. *Лицензия: № RR-0017.*

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 3 декабрь кунги 237-сонида берилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор 1-тор кўчаси, 22-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Юнусобод туман суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 7 январь кунги хатига асосан тўхтатилди.

"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академияси тери-таносил касалликлари кафедрасининг катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди

Алишер Файзуллаевич ИБРАГИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Фан олимпиадаси

ИҚТИДОРЛИЛАР — ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Сергели туманида жойлашган 104-умумтаълим мактабида 1628 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Илм масканида математика ва адабиёт фанларининг чуқур ўргатилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқиш жараёни ўзаро йиғилишларда мунтазам муҳокама қилиб борилади.

Яқинда бу ерда туман миқёсида 17 та фан бўйича фан олимпиадаси ўтказилиб, иқтидорли ўқувчилар номи аниқланди. Ғолиблар олимпиаданинг шаҳар босқичига йўлланма олишди. Қувонарлиси, 114-мактабдан иштирок этган ўқувчилардан Ш.Мирзажонов информатика фанидан 1-ўринни, чизмачилик фанидан А.Қурбонов 2-ўринни, яна бир ўқувчи Б.Ғафуров 3-ўринни, инглиз тилидан Н.Мамажонов 3-ўринни қўлга киритди. Бунда, албатта уларнинг устозлари З.Раҳимова, А.Исаева, Х.Алимоваларнинг ҳиссаси каттадир.

Даврон НУРМАТОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

"КАМОЛОТ" ХАБАРЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти томонидан раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздан сайланган 33 нафар раёсат аъзолари иштирок этди.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги 136261 нафар ёшлар "Камалак" болалар ташкилотига жамланган. "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада жонлантириш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор тизимли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятига оид "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганамиз" шиорлари остида кўплаб тадбирлар, "Обод маҳаллам, кўркам маҳаллам", "Камалак" маҳаллада", "Камалак" аъзосиман", "Ёзни "Камалак" билан!", "Камалак"дан Янги йил", "Биз бир сафдамиз", "Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар" фестивал-лари шулар жумласидандир.

Тадбир давомида "Камалак" болалар ташкилотининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи эшитилди ҳамда ташкилот фаолиятини янада кучайтириш, тизимда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари, келгусидаги истиқболли режалар белгилаб олинди.

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан туманда фаолият олиб бораётган корхона, муассаса ва ташкилотларда ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнларига кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий-маърифий ва интеллектуал даражасини юксалтириш, ижобий салоҳиятларини рўёбга чиқариш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, туманда ҳаракат фаолияти кўламини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги "ЎЗАРХИВ" агентлигида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг таъсис йиғилиши ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этилиш тарихи, ташкилотнинг ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари, жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари, ҳаракатга аъзо бўлиш тартиби, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхона, муассаса ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилоти Низоми билан таништириб ўтди.

Таъсис йиғилиши иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Унга кўра, Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 73-ўринни эгаллади. Осиёда эса миллий терма жамоамиз олтинчи ўринда бормоқда.

Рейтинг жадвалини ҳамон Бельгия терма жамоаси карвонбоши сифатида бошқариб турибди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ҲАКАМЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси — Равшан Эрматов 2018 йили Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ишлаши мумкин бўлган ҳакамлар учун тайёргарлик доирасидаги семинарга таклиф олди.

Ўтган йилнинг 20 ноябрида бўлиб ўтган ФИФА мажлисида ҳакамлар қўмитаси навбатдаги жаҳон чемпионатида ишлайдиган ҳакамларнинг тахминий рўйхатини маълум қилган эди. Энди мундиалга тайёргарлик босқичи сифатида ушбу рўйхатга киритилган реферилар иштирокида қўмита томонидан 2016 йилнинг 11-15 апрель кунлари махсус семинар ташкил этиладиган бўлди. Унга Осиё қитъасидан етти нафар энг сара ҳакам таклиф этилган бўлиб, улар орасидан ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳам ўрин олди.

Мазкур ўқув-тайёргарлик семинарлари Қатарда ташкиллаштирилади. Барча иштирокчилар 10 апрелдан кечикмасдан Доҳа шаҳрига етиб боришлари лозим экани чақирув қоғозида таъкидланган. Эслатиб ўтамиз, Равшан Эрматов футбол тарихида дунё биринчиликларида энг кўп ҳакамлик қилган рефери ҳисобланади.

СУПЕРКУБОК ЎЙИНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Футбол бўйича мамлакатимизнинг амалдаги чемпион жамоаси — "Пахтакор" ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби "Насаф" клуби ўртасида "Суперкубок" учрашуви февраль ойининг 19 санасида ўтказилиши эълон қилинди.

Хабар қилинишича, тез кунда ушбу қизиқарли баҳс қайси стадионда бўлиб ўтиши борасида ҳам тўлиқ маълумот берилади. Маълумки, ўтган мавсумдаги "Суперкубок" ўйинида пахтакорчилар "Локомотив" клубига йирик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйганди. Ушанда "Локомотив" ҳужумчиси Темурхўжа Абдухолиқов собиқ жамоаси дарвозасини ишғол қилиб учрашув қаҳрамонларидан бири бўлган.

Айни кунларда қишки ўқув-йиғин машғулотларига киришган Нўмон Ҳасанов шогирдлари бу сафарги "Суперкубок" баҳсида ҳам жиддий рақибга дуч келди. Яхши биласиз, қаршиликлар битта ўйиндан иборат тўқнашувларда ҳар қандай етакчи жамоага муносиб қаршилик кўрсата олади.

Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси олий лига клублари бош мураббийлари ҳамда раҳбарлари учун махсус семинар ташкил қилди.

МУРАББИЙЛАР ИШТИРОКИДА СЕМИНАР

Мазкур тадбирнинг очилиш қисмида Ўзбекистон футбол федерацияси биринчи вице-президенти Сардор Раҳматуллаев, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси бош директори Фарҳод Магометов, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаян, ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси инструктори Ислом Аҳмедов ва бошқа масъул шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Семинар дастуридан ривожланиш тенденциялари, сўнгги жаҳон чемпионати таҳлили, футболчиларнинг психологик тайёргарлиги борасида ўқув-семинарлар, тактик тенденциялар, жисмоний тайёргарлик каби назарий машғулотлар, шунингдек, ҳужум ва ҳимоя, дарвозабон, стандарт вазиятларга бағишланган амалий машғулотлар ўрин олди.

Кун якунида фикрлар алмашинуви, савол-жавоблар ҳамда хулосалар учун ҳам вақт ажратилди. Семинарнинг назарий машғулотлари "Пахтакор" стадионининг анжуманлар залида ўтказилди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Республикамизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган бўлиб, мазкур турдаги товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Божхона

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Шу мақсадда 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш, сақлаш ва сотиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормалари"га мувофиқ, жисмоний шахслар йўловчи божхона декларациясининг тегишли бандида қайд этган ҳолда, 10 қутигача тамаки маҳсулотларини божхона чегарасидан эркин олиб ўтишларига рухсат этилади.

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркасиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларини олиб кирилишининг олдини олиш божхона идоралари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан Россия Федерациясидан кириб келган йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида фуқаро Б.Алимов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган 2 минг қути "Parliament" сигаретларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди. Хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон акциз маркалари билан маркаланмаган ушбу тамаки маҳсулотларининг умумий қиймати салкам 29 миллион сўмни ташкил қилар экан. Қонунбузар бу билан кифояланмасдан, қиймати 21 миллион сўмлик 37 турдаги парфюмерия маҳсулотлари ва бошқа товар-моддий бойликларни ҳам ноқонуний тарзда олиб киришга уринган пайтда фош қилинди.

Шунингдек, бошқарма ходимлари томонидан фуқаро Ш.Холбоевнинг қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Ушбу шахс ноқонуний равишда олиб кирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган қиймати 11,5 миллион сўмлик 880 қути "Parliament" ва "Parliament carat" номли тамаки маҳсулотларининг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Божхона ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбир давомида фуқаролар Н.Нуралиева ҳамда М.Эшчоновалар амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганида, уларнинг ёнида тегишли ҳужжатлари бўлмаган 4 турдаги 270 қути тамаки маҳсулотлари борлиги фош қилинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширув ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2015 йил давомида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда салкам 600 та божхона қоидабузарликлари фош қилиниб, қиймати 10 млрд. сўмдан ортиқ бўлган товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқароларга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

Тошкент шаҳар
Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **13 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12259 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5